



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 26 ноябр, жума № 188 (1821)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«СУВ ПАРИЛАРИ» - ТОШКЕНТДА


Юртимизда спортнинг барча турлари каторида сув спортини ривожлантириш ҳам доимий эътиборда. 1999 йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган синхрон сузиш буйича «Сув париси» халқаро турнири мазкур спорт турининг янада оммалашувида муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида «Сув париси» бешинчи аънавий халқаро турнири бошланди. У Ўзбекистон Хотин-қизлар Кумитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим

ва Мудофаа вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғар-

маси ҳамда Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мусобақанинг очилишида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юртимизда спортни, жумладан, синхрон сузишни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Аънавий тарзда ўтказилаётган «Сув париси» халқаро турнири спортнинг бу нафис турининг қизларимиз ўртаси-




да янада оммалашувига хизмат қилмоқда. Қизларимиз халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этаётди. 27 ноябргача давом этадиган турнирда ҳамюртларими билан бирга Россия, Хитой, Қозғоғистон, Ҳиндистон ва Беларусдан келган 50 на-

фарга яқин спортчи иштирок этмоқда.

Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Синхрон сузиш федерацияси президенти С.Иномова сўзга чиқди.

(ЎзА)



НОМЗОДЛАР ТАРКИБИ ҚАНДАЙ?

Марказий сайлов комиссияси шу йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш жараёнини якунлади. 517 нафар депутатликка номзоднинг рўйхати тегишли маҳаллий матбуот саҳифаларида эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатдан ўтган номзодларнинг ихтимойи келиб чиқиши, партияга мансублиги, миллати, жинси, маълумоти, мутахассислиги каби қўрсаткичлар буйича статистика маълумотларини атрафлича ўрганиб чиқди. Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида ташкил этилган навбатдаги учрашувида депутатликка номзодларга оид таҳлилий маълумотлар журналистлар эътиборига ҳавола этилди.

Қонунчилик палатаси депутатлигига рўйхатга олинган номзодларнинг 14,3 фоизи Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, 11,8 фоизи Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, 23 фоизи Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 17,2 фоизи Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамда 22,8 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партиясига мансубдир. 10,8 фоиз номзод эса сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари раёндан иборат.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг

22-моддасида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг қандай қилиши лозимлиги қайд этилган қонун қонунчилигидаги муҳим аниқликлардан биридир. Депутатликка номзодларнинг 162 нафари, яъни 31,3 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Бу сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар сонига доир қонун талабларига риоя этганидан далолатдир.

Еши буйича тахлиллар номзодларнинг 2,3 фоизини 30, 19,7 фоизини 31-40, 50,7 фоизини 41-50, 19,1 фоизини 51-60 ёшгача бўлган қизлар ташкил этганини кўрсатмоқда.

Депутатликка номзодлар сафидан жой олган ҳамюртларимизнинг миллий таркиби ҳам ранг-баранг, рўйхатда мамлакатимизда истиқомат қилаётган 12 миллат вакиллари қайд этилган.

Номзодларнинг аксарияти - 511 нафари ёки 98,8 фоизи олий маълумотли. Мутахассислик нуқтаи назаридан қараганда, номзодлардан 15,5 фоизи иқтисодчи, 14,7 фоизи ҳуқуқшунос, 6 фоизи шифокорлардан иборат. 63,2 фоиз номзод бошқа ихтисос-

ликлар намоёндаларидир. Шу билан бирга, депутатликка номзодларнинг 17,7 фоизи фан номзоди, 7,9 фоизи - фан доктори.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хужаева депутатликка номзодлар рўйхатга олингани муносабати билан жойларда сайловда ташвиқоти бошланганини таъкидлади. Сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида тўхтади.

Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратжўраев сайловда ташвиқоти сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг тегишли Низоми ва қарори негизида ўтказилаётганини қайд этди.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилиши тартиби сайловнинг демократия ва адолат тамойилларига мувофиқ равишда ўтишининг асосий омил эканига яна бир бор эътибор қаратилди.

Анжуманда юртимиз ва хориж журналистлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрафлича жавоб олдилар.

(ЎзА)

Инсон ҳаётини ҳаяжонли дамлар кўп бўлади. Ахтам ака ўшунга кўра унотмайди. Акционерлик жамияти мажлислар залида касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтмоқда. Минбарга қузатув кенгаши раиси, нуруний отахон Хасан Хамроев кўтарилди:

Кўрсатилган номзодларнинг барчаси ҳурматга сазовор инсонлардан, деди у йиғилганлар эътиборини ўзига қаратиб. Аммо Ахтамжонни ёшлигидан танийман. Меҳнатқаш, ҳалол, энг муҳими, жамоада катта ҳурмат-эътибор қозongan. У одамлар мушкулни осон қилиш, дардига малҳам бўлиш учун қуйиб пишадиган, аввало элга бўйсин дейдиган фидойилардан. Яна қонунларни жуда яқин билди, раҳбарлар олдида фикрини маъқуллашти, ишчиларни ўз ортидан эргаштира олади. Қолаверса, бугунги касаба уюшма етакчиси истиқболни кўра оладиган, кадрларимизга содиқ бўлиши билан бирга, уюшма аъзоларини химоя қила оладиган катта таъсир кучига эга бўлиши керак.

Отахондан кейин бош хисобчи Рустамжон қасабақум ташаббуси билан кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган оилалар, ихтирочи ишчилар, ташаббускор ёшларга кўрсатилган меҳр-саховат ёрдамларини рақамлар билан бири-бир санаб берди. Шундан сўнг ишчилар унинг номзодини қўллаб-қувватлади.

Ахтам ака шу кунги ўзини қушдай ёнгил ҳис қилди, одамларга кераклиги, айниқса жамоадошларининг ҳурмат-эътиборидан боши омонга этиб.

У касаба уюшма етакчиси сифатида иш бошлаган дастлабки кундан бошлаб ходимларнинг кундалик ҳаётидаги манфаатларини химоя қилишга қаратилган амалий масалалар билан шуғулланди. Аввало корхона ишчиларининг меҳнат ва дам олиш шaroитлари яхшиланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишчи комсомьялар ташкил этилиб, уларга тажрибали касаба уюшма фаоллари жалб этилди. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқий билимла-рини ошириш ниятида фаоллар ўқув ташкил этилди. Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлиги тезда ўз самарасини берди. Корхона атрафи ободонлаштирилди, кўчалар озроқлаштирилди. 1000 түп мевали ва манзарали кўчат ўтказилди. Гулзорлар барпо этилди. Бепул тушлик жорий қилинди. Байрамларда муқофотлар билан бирга кўнгулчор тадбирлар уюштирилди, корхонада ишлаб кетган 45 нафар фахрийлар давра-

турга ўтказилиб, иззат-икром кўрсатилди. Айниқса, кадрлар масаласига эътибор кучайтирилди. Устоз-шогирд аънаваларни йўлга қўйилди. Корхонада 20, 25, 30 йил ишлаган тажрибали ишчиларга қўшимча иш хақи жорий этилди. Шунингдек, узоқ йил жамоада ишлаган ишчиларни пенсияга кузатаётганда 15-20 ойлик маош бериберида муқофот пули берилди. Бу эса ташаббускор, илғор ишчилар сафини кенгайтириб, кадрлар қўнимсизли-

ИХТИРОЧИЛАР

гига барҳам берди. Ўзлари ишлаётган дастгоҳ, машина-тракторларни яқин асраб-авайлаган 33 нафар кишига иш ҳақининг 30 фоизи микдоридан кўшимча маош белгиланди. Биргина ўтган йили ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш учун 260 миңг сўм, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун 7 миллион сўм, ходимларни даволаш учун 460 миңг сўм, кекса авлодга меҳрибонлик кўрсатиш учун 507 миңг сўм сарфланди. Оммавий спорт ва соғломлаштириш ва бошқа маданий тадбирларнинг ўтказиш учун 10 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Бепул тушлик учун 6 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди.

Ахтам ака доимо ангилликка интильди. Уюшма аъзоларини ҳам ўзинга эргаштирди. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги билан бирга замонавий билимларини оширишга ҳам эътибор қўйилди. Шу мақсадда хориждан келтирилган трактор ҳайдовчиларни қайта ўқитилиб, малакасини оширишди. Шу боис ҳам корхонада ўтган йили режалар ошириб бажарилди. Аммо умумий харажат бир мунча ошиб кетганлиги фойда олишга салбий таъсир кўрсатган. Касабақум раиси ушбу муаммонни ҳал этиш учун фаоллар кўмағида бажарилган ишларни тахлил қилишди. Бу масала акциядорлик жамияти аъзоларининг йиғилишида муҳокама этилиб, замон талабига мос, тадбиркорлик билан амалга оширилаётган ишларни ҳудудларга бўлиб,

Бугуннинг одамлари

узвий бажариш юзасидан қарор қабул қилинди.

Таъмирлаш устанонаси акциядорлик жамиятининг энг катта бўғини ҳисобланиб, техникага қайта «жон» киритадиган марказ ҳисобланди. Бу ерда ишлаётганларнинг меҳнати техниканинг самарали ишлашига қафолат беради. Ўтган йили ремонт устанонаси 173 миллион сўмлик иш бажариб, бу борадаги режа 119 фоизга урдаланган. Бўлим ишчиларининг саъй-ҳаракатлари билан мавжуд техникаларга эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида ясалди. Бошқача айтганда, 30 тоннага яқин яроқсиз темир ускуна-

ага иқтисодий фойда келтириши билан бирга мавсумда тракторларни тўла қувват билан ишлашига замин яратди. Ушбу ихтиро муаллифларига ҳам 125 миң сўмдан муқофот берилди.

Инсон меҳнати қадрланган жойдагина кўнгли хотиржам ишлайди, янгилардан яратди. Шофиркон турмини машина-трактор парки акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси амалга ошираётган эзгу ишларнинг барчаси инсон саломатлиги, дам олиши, оиласи, қўйиники, унинг қадр-қимматига қаратилган.

Моддий манфаатдорлик ва рағбат ютуқларимиз омил бўлмоқда, - дейди акциядорлик жамияти раиси Махмуд Воҳидов. - Бунда 160 нафар аъзоларни ўз атрафида бирлаштирган касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз замин яратди. Айниқса, касабақум раисининг қаттиққўллиги, фидойилиги, одамлар кўнглига йўл топиши, қонунлар доирасида иш юритиши, ҳамкорликдаги жамоа шартномалари устидан қатъий назорат ўратгани ишчи-хизматқиларнинг меҳнатга муносабатини ижобий томонга ўзгартирди.

Ҳа, касабақум раиси Ахтам Муродовни ташкилотчи, қаттиққўл, ишбилармон сифатида таърифлашди. Зеро, ана шу фаилатлари бўлмаса адолатли юзага чиқариш, янги иш ўрни яратиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар саломатлиги, дам олиши каби кенг қўламли мақсадга эришиш мушкул бўларди. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан Меҳр ва муруват йилида қанча хайри ишлар қилинди. Байрамларда ишчи-хизматқилар катори нурунийларга совға улашди, аёллар, ёшларга кўнглили меҳнат шaroити яратилди. «Еш механизатор», «Мингчор» болалар оромгоҳларини таъмирлашда ёрдам кўрсатилиб, уюшма аъзоларининг фарзандлари бепул дам олиши юштирилди. Бухоро шаҳридаги 26-мактабга 160 миңг сўмлик беминанат ёрдам кўрсатилди. Оталикдаги мактаб ва боғчаларни таъмирлашда ҳам маблағ, ҳам ишчи кучи билан кўмаклашилди.

Хуллас, ана шундай муқаддас ташвишлар эл ишига камарбасталик Ахтам Муродов ҳаётининг мазмунига айланган.

Амина КОДИРОВА, «Ишонч» мухбири

Хабарлар

ҒОЛИБЛАР ПОЙТАХТГА БОРАДИ

Яқинда Самарқанд вилояти болалар ва ўсмирлар ижодий саройида «Сайёрамиз тинчилиги - юрт ободлиги» мавзусидаги ёш мусавирлар ижоди бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди. Қўллаб расмлар тақдим этган танловда 6 нафар ёш ўқувчиларнинг чизган расмлари энг яхши деб топилди.

Натижада А.Баркена, Е.Друш, М.Муродов, Д.Хайдаров, Н.Зиданов, Ф.Фарходовлар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлишди.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг мингдан зиёд талабалари бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида Пастдаргом тумани дехқонларига яқиндан ёрдам беришди. Талабалар туман хирмонига 1725 тонналик ҳисса қўшишди. Айниқса, «Заррафшон» фермер хўжалиги, «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги, «Самарқанд» ДФХ уюшмаси аъзолари талабалар хирмонидан жуда мамнун.

Яқинда институтда ўтказилган тадбирда теримда фаол қатнашган талабалар ўқув юрти раҳбарияти «Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан совғалар билан тақдирландилар. «Камолот» ЕИХ шаҳар бўлими, маданият бўлими ташаббуси билан бу тадбир ёшлар учун хордик лавазларига айлантирилди.

Р.ҚУРБОНОВ

СИЁСИЙ РАҚОБАТ ВА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР

«Плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маърифий жамиятга ҳос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шaroитни эътироф этадиган ва ўз гоёларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мафкура илгор, қучли ва ҳаётбахш бўлади» Зотан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида таъкидланганидек, мамлакатда ихтимойи ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривож-

ланади. Сиёсий тизимнинг демократик тарзда фаолият кўрсатишига қафолат берувчи конституциявий қондалардан бири муқолифат ҳуқуқларининг таъминланиши билан борлиқ. Асосий Қонун 34-моддасининг 2-қисмига биноан, «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчилики ташкил этувчи муқолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати ҳеч қандай камситиш имконияти эмас». Бу қондалар фақатроқ жамияти учун табиий ҳол бўлиб, сиёсий рақобатни рўёбга чиқаришда, шубҳасиз, катта рол ўйнайди.

(Давоми 3-бетда)

Таажжуб!

КАЛИТ КОТИБДА КЕТИБ ҚОЛГАНМИШ...

Халқ депутатлари Мирзачўл туман Кенгашига сайлов ўтказувчи комиссия хокимлик қабулхонасида жойлашган. Эшик қулфининг очилиб-йилиши мушкул эканлигини ҳисобга олмаганда бу ерда шaroит етарлидек гўё. Туман сайлов комиссияси хакдаги лавҳа бирор жойда бўлмагани учун ҳатто шу бинода ишлайдиган ходимлар ҳам комиссия манзилини сура-салдиқ бўлсангиз иккиланиб қолмади. 18 ноябр кунин туман сайлов комиссияси раиси Омон Назаровни, на унинг бирор аъзосини учрата олдик. Шунинг учун туман хокимининг ташкилий ишлар бўлими мудири Илхом Нурумовдан сайловга оид айрим маълумотларни олдиқ.

Туманда 20 миңг 571 нафар сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Овоз беришни ташкил этиш учун 12 та сайлов участкаси тузилган. Халқ депутатлари туман Кенгашига 22 та, вилоят Кенгашига 3 та сайлов округлари ташкил этилган.

266-Ержар сайлов участкаси Абай номи 2-ўрта мактаб биносида жойлашган. Лекин унинг пештоқда тартиб рақами кўрсатилган лавҳа йўқ. Мактаб раҳбари А.Избоса-

дан ёнмади. Участка сайлов комиссияси раиси М.Маъмурнинг фаолиятсизлиги шундай билини турарди. Заурур тадбирлар режаси, сайловчилар ва ташвиқотчилар рўйхати ҳалигача тузилмаган. Марказий, маҳаллий рўномалар тақлами йўқ. Телевизор, компьютер, алоқа воситаси ханузгача ўрнатилмаган. 265-Мустақиллик сайлов участкасида ҳам аҳвол бундан яқин эмас.

Туман сайлов комиссияси қабул қилган қарор учун туман газетаси «Мирзачўл овози» саҳифаларида жуда кечикиб, чоп этилмоқда. Ҳақли савоёл туғилади: аҳвол шундай бўлганда мазкур сайлов участкасида сайлов уюштурулган бўлиши мумкин?

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

ҚАРШИНИНГ «ҚОП БОЗОРИ»

Асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қурилиш материалларини қадқолашда ишлатиладиган бундай полипропилен қоплар шу пайтгача ви-

лоятга четдан олиб келинар эди. «Sack market» (Қоп бозори) ишга тушган, бу муаммо деярли ҳал бўлди. Хитойнинг «Yanfeng» компаниясида ишлаб чиқарилган технологик линияга асосланган корхона замон талабларига мос махсулот чиқара бошлади. Айни пайтда унда олтимишга яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

(ЎзА)

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир дунёда аёлларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти тораба кўпроқ аҳамият касб этиб, инсоният тараккиёти ва барқарор ривожланишини таъминлаш шартига айланмоқда. Шарқ азалдан аёлга эҳтиром ва эътибор билан машур. Аждодларимиз аёлни оиланинг таяничи, хонадоннинг бекаси сифатида эъзозлаган. Халоллик, меҳнатсеварлик, ўз кадарини билиш фазилатлари аввало, оилада она таъсирида шаклланган.

АЁЛЛАРГА ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ

Асосий Қонунимиз бўлган Конституцияда оила, оналик ва болалик масалаларига 63-моддада белгиланганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Ниҳоқ томонларнинг розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. 65-моддада мувофиқ оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофазаланиши қаролатланади. Конституциянинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги қаролатиб кўйилган. Бундай конституциявий тенг ҳуқуқлилиқ аёлга эркаклар билан тенг ижтимоий, иқтисодий мавқега эга бўлиш, турли идора-ларда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Соғлом авлод - соғлом жамиятнинг асоси. Соғлом аёлдан соғлом фарзанд туғилади. Қонунийликда аёл она бўлишга шайланган ҳолларда унга соғлигини сақлаш учун кўшимча кафолатлар ва ҳуқуқлар бериш назарда тутилган. Вазиirlар Маҳкамасининг 365-сонли қарорига биноан турмуш кураётган ҳар бир йигит ва киз никоҳдан ўтишлари олдиндан жорий йилнинг биринчи январидан бошлаб тиббий кўриқдан ўтишлари шарт, деб белгилаб қўйилди. Шунга кўра барча никоҳдан ўтувчи йигит ва кизлар юз фоиз тиббий кўриқдан ўтишди.

Олий Мажлисининг XI сессиясида Оила Кодексининг қабул қилиниши оиланинг давлат томонидан муҳофаза этилишини мустаҳкамла-

қилиш ҳолатлари ҳам содир бўлиб турибди. Утган йилнинг 10 ойида 8 та ажралиш ҳолатлари содир этилган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида бу ҳолат 6 та ни ташкил этди.

Гагарин шаҳридаги 4 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда 7 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси ўртасида «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш», «Оилада тиббий маданиятни ошириш», «Ешларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

«Меҳр ва муруват йили» Давлат дастурига биноан Наврўз байрами кунларида туман ҳокими томонидан ташкил этилган «Хайрия никоҳ» тўйида 12 нафар келин-кувўга никоҳ гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. 29-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига муруват ёрдами кўрсатилди. Тумандаги 8 нафар ногирон бола-ларга моддий кўмак берилди. Бир неча йилдирки, бўлим қошида «Оила дорил-фунуни» ўқув-тарбиявий курси фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда ёшларни оилавий ҳаётга тарбиялашнинг маънавий асослари, оила қуришнинг муҳим шартлари мавзуларида ўқишлар ташкил этиляпти.

Давлатимиз ва унинг раҳбарияти хотин-қизларга катта эътибор беришмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида ушларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Бундай эътиборга жавобан туманимиз аёллари бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар. Мирзачўл туманида қарийб 30 мингга яқин хотин-қизлар яшаб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Мария Сафонова, Рўбб Маматова, Янглиш Хўжанова каби фаол аёллар туманимиз фаҳрига айланган.

Бахтиғул ИМАНОВА,
Мирзачўл туман
фуқаролик ҳолати
далолатномаларини
ёзиш бўлими мудираси



Аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир дунёда аёлларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти тораба кўпроқ аҳамият касб этиб, инсоният тараккиёти ва барқарор ривожланишини таъминлаш шартига айланмоқда. Шарқ азалдан аёлга эҳтиром ва эътибор билан машур. Аждодларимиз аёлни оиланинг таяничи, хонадоннинг бекаси сифатида эъзозлаган. Халоллик, меҳнатсеварлик, ўз кадарини билиш фазилатлари аввало, оилада она таъсирида шаклланган.

ТЕАТРДА МАРКАЗИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

Швейцариянинг Марказий Осиё ва Қозғоғистон билан ҳамкорлик маданият жамғармаси Юроси Тошкентда ўзининг «Еш режиссёр» марказий лабораториясига эга бўлди. Бу бюро ташаббус билан «Илҳом» ёшлар театр-студияси ҳузурида ташкил топган бу лаборатория театр санъати бўйича ўзига хос ижодий маҳорат мактаби вазирасини ўтайди.

Жойлардан келган умидли ёш режиссёрлар театр санъатининг таниқли усталари, кўзга қўринган актёрлари билан мулоқотлар ўтказилди. Бундай қизиқарли машғулотлар «Илҳом» театрининг бадиий раҳбари Марк Вайл томонидан уюштирилган давра суҳбати билан бошланди.

ЭЪТИБОРЛИ НАШР

Санъат кенг қамровли бадиий тушунча ҳисобланади. Агар сиз «Санъат атамалари лугати» билан танишиб чиқсангиз ана шу турфа ижод олами тўғрисидаги тасаввурингиз янада бойийди. Босма юзини кўрган мазкур нашр истеъдодли санъатшунос олим Бинафша Нодир қаламига мансуб бўлиб, тузилиши ва ёритилиши жиҳатидан ажралиб туради.

Янги лугатда санъат жанрлари бўйича ишлатиладиган талайгина сўз ва ибораларга изоҳ берилган. Айни вақтда бу лугат мамлакатимизда илк бор чоп этилиши билан ҳам аҳамиятга эришди.

Унда шарқ миллий санъати ривожига жараёнда юзага келган сўз ва иборалар ҳам лугавий ифодасини топди.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Чекка-чекка қишлоқларда ҳам спорт мактаблари ва тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи етти миллион кишининг олти миллионга яқинини мактаб ўқувчилари, олти фоизини ўрта махсус ўқув юрталари, коллеж ва лицей талабалари, бир фоиздан кўпрогини эса олий ўқув юрталарининг талабалари ташкил этади. Соғлом авлод - юрт келажаги дейдилар. Албатта, жисмонан соғлом, ақлдан етук инсонлар юртининг келажагини белгилайди. Президентимизнинг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазиirlар Маҳкамасининг шунга оид қароридан сўнг катта ишлар амалга оширилди.

Масканимиз 1050 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, бугун бу ерда 770 нафар бўлажак спорт мутахассислари таълим олмақда. Ўқувчилар ихтиёрига баскетбол, волейбол, кўл тўпи, акробатика, бадиий гимнастика, юнон рум кураши, эркин кураш, белбоғ кураши, бокс, оғир атлетика, майдонлари ҳамда спорт заллари топшириб қўйилган. Айни кунларда футбол, ёнги атлетика майдонлари қурилиши олиб

ЎСМИР ТАРБИЯСИ ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Бешарик туманида 51 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, 73 та мактабда таълим муассасалари ҳамда 5 та мактабдан ташқари таълим даргоҳларида 48 мингдан зиёд ёш авлод таълим-тарбия олмақда.

Янги ўқув йилида 11-мактаб учун 504 ўринли 12 та синф хонаси ҳамда замонавий спорт залига эга бўлган янги бино фойдаланишга топширилди. Уэун қишлоғида истиқомат қилаётган аҳолининг фарзандлари учун қуриб битказилган билим масканида барча шарт-шароитлар муҳайё. Замонавий лаборатория, компьютер техникаси ўқувчилар ихтиёрида. Бу ерда малакали педагог кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Волейбол, мини футбол, кўл тўпи, гимнастика, каратэ, баскетбол тўрақлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманимиз мактабларининг барчаси халқ таълими бўлими ходимларига ҳудудларга қараб бириктирилган бўлиб, уларнинг доимий назоратида, дейди халқ таълими бўлими мудир Г.Нурматов. - «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ри-



вожлантириш давлат умумий таълими дастури бўлиб қаратилган бўлиб, Фармони талабаларига янада ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида 1.100 тонна кўмир ёқилгиси олинди, таълим муассасаларига тарқатилди. Таълим даргоҳларини газлаштириш ҳамда иссиқлик ўтказгичлар билан таъминлаш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 26 та мактаб ва 14 та бола-лар боғчалари газлаштирилди. Барча мактаблар ва ўқув муассасалари тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Таълим ва фан ходимлари Бешарик туман касба уюшма вакиллари билан ҳамкорликда таълим даргоҳларида ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш, ойлик машошлари ҳамда бошқа кўшимча имтиёзларни кўзда тутиган ишлар ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ўрта махсус малакага эга бўлган ўқитувчилар олий даргоҳларда сиртдан ўқишлари учун шарт-шароит яратилмоқда. Хусусан, ўн нафар ўқитувчиларга йўланмалар берилади.

Касба уюшма вакиллари ота-оналар комиссияси билан ҳамкорликда жорий йилда мактаблардаги жиҳозлар сифатли таъмирланди. 10-мактаб учун марказлашган фондан замонавий 250 та стол, 450 та янги стуллар синф хоналарига ўрнатилди.

Х.ТИЛЛАЕВ

Спорт масканларида

каларида иштирок этиб, фахрий ўринларни эгалладилар. Ўқувчиларимиз орасида халқаро турнирлар голиблари ва Ўзбекистон чемпиналари ҳам бор. Коллежнинг «Олимпик»

ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

2003-2004 ўқув йилида коллеж ўқувчиларининг 120 нафари турли спорт мусоба-



Одилжон НАЗИРОВ, Фаргона Олимпик заҳиралари коллежи директори

Турфа олам

Об-ҳавонинг ўзгарishi ўсимликларда ҳам ўз аҳсоли топади. Бу хусусдаги халқ қаюматларини кўйилдаги нисоллар орқали билиш мумкин.

ЎАВОНИНГ БЕЛГИ-АЛОМАДАРИ

Қуриган дарахтни кесиб ёққанда яхши ёнмаса, ёғин намикан бўлса, ёғингарчилик бўлади. Терак кучаласи ҳавода учиб юрса, ҳаво очик бўлади. Олма ва бошқа мевали дарахтлар иккинчи марта гулласа, куз яхши келади. Гуллар одатдагидан кўра кўпроқ ҳид таратса, ёмғир ёғади. Агар ёзда дарахтларда сариқ барглр пайдо бўлса, куз эрта тушади.

Кўзда барглр тез тўкилса, киш барвақт келади. Олча дарахтларининг барги тўкилмагунча, қор ёққан бўлса-да, ҳақиқий киш келмайди.

Агар дарахтларнинг қуриган шохи тинч ҳавода синиб тушса, ёмғир ёғади. Ёмғир пайтда қучли шамол эсиши - ҳавонинг жўнашиб кетиши белгиси. Агар ёмғир томишисан сувда пуфакчалар ҳосил бўлса, ёғингарчилик узоқ давом этади.

Қарама-қарши эсан шамоллар ёмғирни олиб келади: Қиров тушса ёмғир ёғмайди.

А.АЛИЕВ

ОРОЛБЎЙИ ТАРИХИ ДУРДОНАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Улкашунослик музейида мазкур муассаса фондида сақланаётган ноёб экспонатлардан иборат кўргазма очилди. Унда Орoлбўйининг мустақиллик йилларидаги юксалиши, қадимий тарихи, қадриятлари, археология ва этнографияси, табиий бойликлари намуналари намойиш этилмоқда.

Музей директори Светлана Нурабуллаеванинг айтишича, Орoлбўйи ҳудудида 250 дан ортиқ археология ёдгорлиги мавжуд. Улар орасида Тупроққалъа, Жампиққалъа, Аёзқалъа, Кирикқалъа, Миздақон мажмуалари каби қўшпаб тарихий обидалар бор. Улардан топилган ашёларни сақлаш ва келгуси авлодларга етказишда музейнинг хизмати катта. Унинг фондида бугун 56 мингдан зиёд экспонат мавжуд.

Ўзбекистонда болалар сиаҳатгоҳлари анчагина. Аммо бир неча йўналиш - ревматология (ревматизм, томоқ оғриги, сундуқлик танзилит), неврология (болалар миғ фалаж), плексит (туғилиш даврида елка қанглиниги эмиллиши, синдик тўтолмаслик) ва остеомиелит, пертос (сон суягининг тумна қийиши) каби касалликларни бир жойинг ўнда марказлашган ҳолда даволайдиган сиаҳатгоҳ факат Чортоқда бор. Болалар сиаҳатгоҳининг ушбу ҳудудда ташкил этилганини сабаби Чортоқнинг ҳаммаимижа маълум ноёб маъдани сувидир. Қарингис, шу маъдани сувда юқорида тилга олиб ўтган касалликларнинг ҳаммасини баргараф этишга браам берадиган микроэлементлар мавжуд экан.

Табиатнинг синов ва имтиҳонлари кўп. Олдинлари бир гагириб ўн қуладиган Турсунбой уйлангандан сўнг икки-уч йил ўтган жиддий тортиб қолганига кўнчилиқ хайрон бўлишди.

Еши ҳам улғайиб қолди, вазмин тортгани шундан, дейишса, баъзи бировлар бунч тўй ўтган уч-тўрт баҳор келиб-кетса-да оилада кўпайишманлигига йўйди.

Яқинямчи, Турсунбой яна аслига қайтди. Бир гагириб, ўн қуладиган олдунги шўх йилгитта айланди. Кейин билсақ, хотини хомилдод экан. Фарзандлик бун бўлди. Хурсандчиликдан боши осмонга етиб тўй ҳам қилиб берди. Ажаб, икки-уч йилдан сўнг Турсунбой яна ўтган сафарги ҳолатига тушиб ҳомиш тортиб қолди. Ўтиришларда каяроқ кўринадиган бўлди. Шитсак, ўнги-чиси тумна фалаж эмши.

Даврамизга Фарход деган шифокор ҳам аъзо эди. Бир сафар шу мавзуда гап очилганда Турсунбойга қараб:

— Қайура берманг, жўра, ўнги-чиси дарадига давони биз толамиз. Чортоқда болалар сиаҳатгоҳи борлигини эшитганимиз? Ана шу

Болалар сиаҳатгоҳларида

бош ҳакими Валижон Тожиев. - Маълумки, «Чортоқ» сиаҳатгоҳи ишга тушгандан сўнг ҳам ушбу маъдани суви тарихини ўрганиш давом этди ва шу йўналишдаги илмий ишлар ҳозирда ҳам олиб борилюмоқда. Ана шу жараёнда бу манбадан болаларга ўраётган дори-дармонлар таясири унда сезимлаётган қатор касалликларнинг даволашга фойдаланиш бўйича мулоҳазалар туғилди ва амалда бу нарса ўзининг қувончи самалар касалликларини муолажа қилишда қўлланиладиган тиббиёт асос-усулларининг келтирилиши, ташвиқ қўйиш ва даволаш ишларини кескин ривожланди.

Меҳр ва муруват йили муносабати билан болалар сиаҳатгоҳи муруват ёрдами уюштирилди. Йил бошида сиаҳатгоҳни капитал таъмирлаш вилот ҳокимлиги дастурига киритилиб, ушбу мақсад учун 50 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Натижда бу иш амалга оширилиб, ушбу мақсадга мансуб қиёфа касб этди.

Барбери ҳали камчилик ва етишмовчиликларимиз йўқ эмас, дейди бош ҳаким В. Тожиев. - Баъзи кўшимча биноларимизнинг таъмирланиши учун ҳокимлик томонидан ажратилган маблағ етмади. Ташвиқ қўйиш каби айрим аппаратларимиз камлик қилапти. Агар ана шу соҳаддаги етишмовчиликлар бутласа, даволаш ишларимиз сифати янада яшилган бўлади.

Сиаҳатгоҳдан қайтарганимиз, ёш даволашчилар билан уршайиб, ёшларда бўлди. Улар ўзларини соғломлаштиришда жонқуярлик қилаётган шифокорлардан Холмирза Нарзуллаев, Ўғилон Тошматов, Қулмирза Бекимбаев, Мунаввар Исакова, Гулнора Бойбўтаева, Жўмартон Боймирзаева ва бошқалардан кечис минагандор касалликларини айтишди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

МАЪДАНИ СУВ ХОСИЯТИ

маслаҳат берди.

Турсунбой ўнги-чисини Фарход айтган жойга йўллама билан олиб борди. Бир марта эмас, ҳар олти ой ўлказиб уч бора қатнади. Ҳар нарасага бир нараса сабаб, деганларидек дистиамбонинг ўнги-чиси дастлаб гандирақиб қолди, кейин тезроқ одимлади. Ҳзир-чи, дейсизми, ҳзир улғайиб йилгит бўлиб қолган, институтни битиряпти. Отаси бугун-эрта уйламоқчи. «Чортоқ» болалар сиаҳатгоҳи ана шундай жой.

— Туманимиз ҳудудидан ўтганга яқин касалликларнинг даволашда қўл келаятган маъдани сувининг топилиши ва шу асосда «Чортоқ» сиаҳатгоҳининг ташкил этилиши болалар санаторийсининг пайдо бўлиши учун ҳам туртки бўлган, дейди сиаҳатгоҳ

ISHONCH
Бош муҳаррир
Муассис:
Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расуллов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қуртасини: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида теришти ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41—уй.